

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

СОБИРОВ ҚЎЗИБОЙ ЭРКИНОВИЧ

ТУТ ИПАК ҚУРТНИНГ ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПИЛЛАЛАРИНИ
ЧУВИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Собиров Қўзибой Эркинович

Тут ипак қуртининг ингичка толали пиллаларини чувиш
технологиясини такомиллаштириш3

Собиров Кузибой Эркинович

Совершенствование технологии размотки тонковолокнистых коконов тутового
шелкопряда.....21

Sobirov Kuziboy Erkinovich

Improvement of the technology of unwinding thin-fiber cocoon
of silkworm.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

СОБИРОВ ҚЎЗИБОЙ ЭРКИНОВИЧ

ТУТ ИПАК ҚУРТИНИНГ ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПИЛЛАЛАРИНИ
ЧУВИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/T1845 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахмедов Жаҳонгир Адхамович
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Муқимов Мирабзал Мираюбович
техника фанлари доктори, профессор

Рахимов Алишер Юсупжонович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон табиий толалар илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.T.08.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “11” апрел соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100100, Тошкент, Шохжаҳон кўчаси, 5. Тел.: (+99871) 253-06-06; факс: (+99871) 253-36-17; titlp info@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин. (133-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100100, Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси, 5. Тел.: (+9987) 253-08-08.

Диссертация автореферат 2022 йил “28” март куни тарқатилди.
(2022 йил “28” мартдаги 133-рақамли реестр баённомаси).



И.К.Сабилов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.



А.З.Маматов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Н.Р.Ханхаджаева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда 22 тадан ортиқ мамлакатлар тирик пилла хом-ашёси етиштириш билан шуғулланиб келмоқда, республикамиз пилла ва ипак ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда.¹ Дунё миқёсида 2020 йилда 91,945 минг тонна хом ипак ишлаб чиқарилган бўлиб, унинг асосий қисми Хитой ва Ҳиндистон давлатларига тўғри келади. Тут ипак қурти пиллалари қобик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни чувишга тайёрлаш, жумладан серицинини юмшатиш, пиллалар ичини сув билан тўлдириш, учларини топиш ва силкитиш жараёнлари режимларини тўғри ўрнатиб сифатли хом ипак ишлаб чиқариш мумкин бўлади. Пиллаларни чувиш жараёнларини такомиллаштириб, сифатли хом ипак ишлаб чиқариш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Дунёдаги пилла етиштирувчи мамлакатларда турли чизиқли зичликдаги сифатли хом ипаклар олиб, уларни чуқур қайта ишлаб қиймати қўшилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги техника ва технологияларни такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан юқори сифатли хом ипакни ишлаб чиқариш учун энергия-ресурстежамкор техника воситалари ва қурилмаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда пилла хом ашёси етиштирувчи мамлакатларда тут ипак қуртининг юқори технологик хусусиятларига эга бўлган янги зот ва дурагайлар яратиш, пиллани қайта ишлаш соҳасини модернизациялаш, илғор техника ва технологияларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқарилаётган ипак маҳсулотларини рақобатбардошлигини ошириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, тут ипак қурти пиллаларини чувишда уларнинг қобик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда пиллаларни чувишга тайёрлаш, жумладан қобик серицинини юмшатиш, пиллалар ичини сув билан тўлдириш, учларини топиш ва силкитиш жараёнлари режимларини тўғри ўрнатиб сифатли хом ипак ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда тут ипак қурти ингичка толали пиллаларини чувишга тайёрлаш ва чувиш жараёнларини такомиллаштириб, улардан сифатли хом ипак ишлаб чиқариш имконини берадиган ресурстежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан “...ипак маҳсулотидан шойи газламалари тайёр маҳсулотлари, шунингдек импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш орқали 2026 йилга бориб саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш...”² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, тут ипак қуртининг ингичка толали пиллаларини қайта ишлаш режимларини ишлаб чиқиш ва ундан сифатли хом

¹ <https://inserco.org/en/statistics>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

ипак олиш технологияларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамият касб этмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони ва 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2856-сон “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4411-сон “Ипакчилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 17 январдаги ПҚ-4567-сон “Пиллачилик тармоғида ипак қурти озуқа базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бўлган бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожлантиришининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежам-корлик” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Пиллаларни чувиб, улардан сифатли хом ипак ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, хом ипак олишда юқори талабларга жавоб берадиган сифатли маҳсулот олиш муаммолари бўйича хорижда K.D.Rajat, N.Manesh, Y.Zhiyong, L.Min, N.Hazarika, M.Arumugam, C.Minano, S.Gunze, J.Mo, S.Pan, H.Narada ва бошқа олимлар шуғулланишган.

Қурт уруғи селекцияси, пилла етиштириш, хом ипак чувиш ва қайта ишлашда техника ва технологияларни такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар бўйича тадқиқотлар Кукин Г.К., Рубинов Э.Б., Усенко В.А., Мухаммедов М.М., Қодиров Ш.А., Бурнашев И.З., Алимова Х.А., Гуламов А.Э., Ахмедов Ж.А., Исламбекова Н.М., Авазов К.Р., Данияров У.Т., Насириллаев У.Н., Струнников В.А., Якубов А.Б., Насириллаев Б.У. ва бошқалар томонидан бажарилган.

Мазкур тадқиқотлар натижасида тут ипак қуртининг ингичка толали пиллаларини чувиш технологияларини назарий асосларини ишлаб чиқиш ва ундан сифатли хом ипак ишлаб чиқариш технологик режимларини яратиш бўйича тадқиқотлар етарлича ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-3-5 “Ипакнинг нанотехнологияси асосида маҳсулотларнинг рақобатбардош янги турларини ишлаб чиқариш усуллари ва технологияларини яратиш” (2015-2017), Ф-А-2018-026 “Табиий ипакни ва унинг нанобўлакчаларини қўллаб, тиббиётда ва маиший эҳтиёжларда фойдаланиладиган маҳсулотларни янги турларини ишлаб чиқариш усуллари ва технологияларини яратиш” (2018-2020) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тут ипак қуртининг ингичка толали “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагайи пиллаларини технологик хусусиятларини тадқиқ қилиш ва улардан юқори сифатли “ЗА” синфига мос хом ипак чувиб олиш технологиясини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тут ипак қуртининг ингичка толали “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагайлари пиллалари қобиғининг технологик хусусиятларни тадқиқ этиш;

“Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагайлари пиллаларини чувишга тайёрлаш жараёнларини тадқиқ қилиш;

ишлаб чиқариладиган хом ипак сифатига таъсир этувчи омилларни назарий ва амалий асослаш;

тут ипак қуртининг ингичка толали “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагайлари пиллаларидан юқори сифатли “ЗА” синфига мос хом ипак олиш учун технологик режимларни ишлаб чиқиш ва асослаш;

тут ипак қуртининг ингичка толали “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагайлари пиллаларини чувиш технологиясини асослаб такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тут ипак қуртининг ингичка толали “Майин тола-1” ва «Майин тола-2” дурагайлари пиллалари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети тут ипак қуртининг ингичка толали пиллаларини чувишга тайёрлаш, хом ипакни сифат кўрсаткичларини аниқлашдаги услуб ва воситалар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида ишлар механикаси, тажриба анализи ва математик статистика, дастурий таъминот, хом ипакни ишлаб чиқариш ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ингичка толали “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагай пиллаларни технологик ва қобиқ хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларни чувишга тайёрлаш, пиллаларни ичини сув билан тўлдириш, серицинни юмшатиш, якка учини топиш, силкитиш ва чувиш технологик жараёнлари такомиллаштирилган;

чувиш жараёнида хом ипак сифатига таъсир этувчи таранглик кучи, толани ёпишганлик адгезия кучи, чувиш тезлиги омилларининг рационал қийматлари назарий аниқланган;

ингичка толали “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагай пиллаларидан юқори сифатли “ЗА” синфига мос хом ипак ишлаб чиқаришнинг пиллаларни ичини сув билан тўлдириш, серицинни юмшатиш, якка учини топиш, силкитиш ва чувиш технологик параметрларининг рационал қийматлари ишлаб чиқилган;

тавсия этилаётган пиллаларни ичини сув билан тўлдириш, серицинни юмшатиш, якка учини топиш, силкитиш ва чувиш жараёнлари технологик режимларини хом ипакнинг сифатига ижобий таъсири илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ингичка толали “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагай пиллаларининг қобиғи ва улардан чувиб олинган хом ипакнинг физик-механик хусусиятлари аниқланган;

пиллани чувиш назарияси асосида, пилла ипидаги серицинни юмшатиш, ичига сув тўлдириш, ип учини топиш, силкитиш ва чувиш параметрлари аниқланган;

тут ипак куртининг ингичка толали “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагай пиллаларини чувишга тайёрлаш ва улардан хом ипак ишлаб чиқариш жараёнида сифатга таъсир этувчи омиллар асосланган;

тут ипак куртининг ингичка толали “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагай пиллаларидан “3А” синфига мос сифатли хом ипак олишда пиллаларни пишириш ва чувишни технологик режимлари назарий ва амалий исботланиб, ишлаб чиқариш корхоналарига жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, катта ҳажмдаги тажриба материалларининг статистикаси, олинган тажриба натижаларининг бошқа тажриба натижаларига мос келиши, пиллаларни чувишни назарий ва амалий моделларининг ўзаро яқинликлари ҳамда замонавий методларни қўлланилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ингичка толали “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” пиллаларини чувишга тайёрлашни рационал режимларни ишлаб чиқилганлиги, илгич тагидаги пиллалар сонини ва уларнинг чизиқли зичликларини назорат қилиш орқали юқори сифатли “3А” синфига мос хом ипак ишлаб чиқариш учун чувиш тезликларини назарий асосланган технологиясини такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ингичка толали пиллаларни чувишга тайёрлаш ва чувиш технологияларини такомиллаштириш, уларни жорий этиш натижасида юқори сифатли хом ипак олиш имконияти яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тут ипак куртининг ингичка толали пиллаларини чувиш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тавсия этилган такомиллаштирилган технология “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси тасарруфидаги корхоналарида, жумладан, Хоразм вилояти Урганч шаҳар “XORAZM IPAGI” МЧЖ, Хива шаҳар “Khiva Silk Fabrik” МЧЖ, Янгиариқ тумани “XORAZM PILLA HOLDING” МЧЖда жорий қилинган (“Ўзбекипаксаноат” уюшмасининг 2022 йил 27 январдаги 4-2/172-сонли маълумотномаси). Натижада, корхоналарда халқаро стандарт талабларига мос ишлаб чиқарилаётган “А” синфига мос хом ипак сифат кўрсаткичлари яхшиланиб, халқаро стандарт талабларининг “3А” синфига мос юқори сифатли хом ипак олиш имконияти яратилган. Пиллаларни чувиш жараёнидаги солиштира сарфи 2,9 дан 2,7 гача қисқартирилиб бир килограмм хом ипак ишлаб чиқариш учун кетадиган пилла хомашёсининг сарфи 6,91% га камайтирилишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва республика миқёсидаги илмий-техник ва илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола нашр этилган, шундан 2 та мақола Scopus базасида индексация қилинган журналда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ингичка толали ипак қурти пиллаларидан саноатда фойдаланишнинг ҳолати ва истиқболлари”** деб номланган биринчи бобида адабиёт манбааларининг таҳлили ёритилган бўлиб, унда ипакчилик саноатининг бугунги ҳолати, тўқимачилик саноатида ипакчилик тармоғининг тутган ўрни, юқори сифатли хом ипак ишлаб чиқаришда ингичка толалари пилла хом ашёларидан самарали фойдаланиш, ҳамда ингичка толали зот ва дурагайлар устида олиб борилган илмий тадқиқотларни таҳлили каби масалаларга эътибор қаратилган.

Олиб борилган адабиётлар таҳлили натижалари ингичка толали пиллаларининг технологик имкониятларидан фойдаланиб, юқори сифатли “ЗА” синфига мос хом ипак олиш усуллари ишлаб чиқиш, уни илмий асосланган технологиясини такомиллаштириш зарурлиги аниқланиб диссертация ишининг вазифаси этиб белгиланган.


Диссертациянинг **“Тут ипак қуртининг ингичка толали пиллаларидан юқори сифатли хом ипак олиш учун хом ашёни асослаш”** деб номланган иккинчи бобида пиллани яқка чувиш натижалари ва даста тагидаги пиллалар тизимининг ҳаракат моделини куриш орқали пилла ипи таранглигига таъсир этувчи омиллар тадқиқ этилиб, тут ипак қуртининг ингичка толали пиллалари қобиғининг технологик хусусиятлари: қуввати, қаттиқлиги, қалинлиги, зичлиги, ғовақдорлиги, қобик ўтказувчанлиги кўрсаткичлари аниқланган.

Айлананинг ёйи бўйлаб жойлашган пиллаларнинг ҳар биридан ипни тортиб олиш жараёнида пиллалар оғирлик марказини вертикал равишда тепага ҳаракатининг кейинги моделини кўриб чиқамиз. Ипни пилладан ажратиб олиш жараёнида барча пиллалар кўтарилиш ўқидан бир хил масофада жойлашган деб ҳисоблаймиз, бунда пилла юзасидан тортиб олинаётган ҳар бир ип бир хил таранглик кучига эга. Oz ўқни O_1 нуқтадан айланаётган ўраш қурилмаси таъсирида ҳаракатланувчи ипнинг ҳосил бўлиш йўналиши бўйлаб вертикал тепага йўналтирамиз. C_1C_2 чизиги сувли муҳит сатҳида жойлашган. 2-расмда кесимли меридианал эгри чизиклари келтирилган. xOz координаталар системасида пиллаларнинг жойлашиши O_1z ўқи билан ўқли симметрия ҳосил қилади. Алоҳида ишлар ва атрофидаги таранглик кучларини $P(t)$ ва $F(t)$ орқали белгилаймиз ва пиллаларни кўтарилиш ўқи бўйлаб умумий таранглик O_1A . Ҳар битта пиллага қуйидаги кучлар таъсир қилади.

1. Пилланинг оғирлик кучи, $F_g = mg$ (m -пилла оғирлиги); (1)

2. Архимеднинг кўтариш кучи, $F_a = \rho g V_k$ (2)

бу ерда, ρ - сув зичлиги ($\rho = 1000 \text{ kg/m}^3$), V_k - чўкувчи пиллалар ҳажми,
 $V = 4N\pi R_1^2 R_2 / 3$; $m = V_k \rho_k$, $\rho_k = \rho + \rho_0$, ρ - намланган пилла қобиғи зичлиги.



2-расм. Чувиш нуқтаси A га нисбатан пиллаларнинг жойлашиш схемаси

3. Стокс қонуни бўйича пиллани вертикал ҳаракатига сувли муҳитнинг қаршилиги

$$F_c = 6\pi\mu R_k \dot{h} \quad (3)$$

(μ - сувли муҳитнинг динамик қовушқоқлиги)


4. Пилла юзасига тортиш кучи таъсир қилади, $P = F(t)$

Олдинига пиллалар тизимини кўтарувчи Архимед кучи таъсирида чўкиш чуқурлиги h_0 ни ўрнатамиз. (2-расм пунктирли чизиқлар) O_z ўқи бўйлаб жойлашган пиллага таранглик кучи $P = P_0$ таъсир этганда унинг мувозанатлик тенгламаси қуйидаги кўринишда ёзилади.

$$P_0 - 4\pi g R_1^2 R_2 (\rho_k - \rho_0) \cos(\beta_0 + \gamma_0) / 3 = 0 \quad (4)$$

а)

б)



3-расм. Якка пилла ипини бошланғич таранглигини сувли муҳитдаги чўкиш чуқурлиги $h_0 = 0.02 \text{ m}$ (а) ва $h_0 = 0.03 \text{ m}$ (б) га тенг бўлгандаги ва унинг қобиғи бўкиши $m_c (g)$ нинг ҳар хил қийматларига боғлиқлиги

3-расмда якка пилла ипларини таранглигини пилла қобиғини ҳар-хил тўйинган оғирликдаги пиллани чўкиш чуқурлигига боғлиқлиги эгри чизиклари келтирилган. Кўришимиз мумкинки, қобиқни тўйинганлик даражаси ортиши билан чўкиш чуқурлигини ортиши таранглик кучини ортишига олиб келади.

Вақт $t = 0$ бўлганда ҳар битта пиллага унинг ипи бўйлаб $P(t)$ кучи таъсир этади. Тизимдаги ихтиёрий пилла учун оғирлик маркази ҳаракати ва марказ атрофидаги айланиш бурчаги тенгламасини тузамиз. Координаталарни бошланишини A нуқтада ўрнатамиз (2-расм). Пиллани маркази $h = h(t)$ дан берилган бошланғич ҳолат h_0 оралиғини бирлашган координата сифатида қабул қиламиз. Бунда R -доимий масофадаги пиллар марказларини топиш шартидан кўтарилиш ўқидан билиш мумкинки, уларнинг марказлари $h = h(t)$ қонунига мувофиқ вертикал ҳаракатни амалга оширади. Пилланинг кинетик энергияси $h = h(t)$ бўйлаб тўғри чизикли ҳаракат қилувчи ҳамда оғирлик маркази атрофида айланувчи жисм сингари

$$T = \frac{m\dot{h}^2}{2} [1 + j_c / R_k^2]$$

кўринишда ёзилади.

Бу ерда m -суюқлик билан тўлдирилган пилла массаси.

$J_c = 2\pi(R_1^2 + R_2^2)m/5$ -эллипсоид формасидаги пилланинг инерция моменти.

Сувли муҳитда Архимед кучи, сувли муҳитнинг қаршилиги кучи, оғирлик кучи ҳамда таранглик кучи $P(t)$ таъсирида пилла марказининг айланиши $y(t)$ ва уни ўз ўқи атрофида айланиши ҳаракат тенгламаси

$$\ddot{h} = P(t) \cos(\beta + \gamma) / km - 6\pi\mu R_k \dot{h} / km - (\rho_k - \rho_0)g / k\rho_k \quad (5)$$

Пилла қобиғи юзасидан ипни ажратиб олиш ажралиш нуқталарида серицинни юмшатиш орқали амалга оширилади. Шу сабабли, пиллалар тизимини чувиш жараёнида ипни пилла юзасига ёпишганлик кучини уни ёпишиш нуқталари орасидаги ўзгаришларини чизикли боғлиқликларини кўриб чиқамиз (пружина модели). Бу ҳолатда таранглик кучини қуйидагича кўришимиз мумкин.

$$P = k_0[v(t) - y(t)] \quad (6)$$

бу ерда, v , y ипни қобиқдан чиқиш нуқталаридаги ҳаракати ва қобиқ нуқталари. k_c , k_n пилла ипи ва пиллани қаттиқлиги коэффициентлари.

Пилла оғирлик маркази атрофида айланиш бурчаги тенгламаси қуйидагича бўлади:

$$\dot{\varphi} = \omega(t) = \dot{y} / R_k \quad (7)$$

Пилладан ипни чиқиш нуқтасини доимий тезлик v_0 даги ҳаракатланиши ҳолатини кўриб чиқамиз.

(5) ва (6) тенгламаларга мувофиқ

$$\ddot{h} = (h - y)[\cos(\beta + \gamma) / km - 6\pi\mu R_k \dot{h} / km - (\rho_k - \rho_0)g / k\rho_k] \quad (8)$$


тенгламани оламиз.

Шундай қилиб, (7) ва (8) тенгламалар якка пилла маркази $h(t)$ ни айланиш бурчаги $\varphi = y / R_k$ ни оғирлик маркази атрофидаги ҳаракати тизими

ТЕНГЛАМАСИНИ ҲОСИЛ ҚИЛАДИ.


$$h_0 = 0.02 \text{ m}$$

$$h_0 = 0.03 \text{ m}$$



4-расм. Якка ип таранглиги $P(sN)$ ни вақт $t(s)$ бўйича бошланғич чўкиш чуқурлиги $h_0(m)$ нинг иккала қийматларига боғлиқлиги

Графиклар таҳлилидан кўришимиз мумкинки, белгиланган интервалда барча параметрларни вақт бўйича ўзгариши чизиқли характерга эга. Бунда ушбу интервалдаги ип таранглигининг статик қиймати $0,3 \div 0,5 \text{ sN}$ дан (3-расм) $3-5 \text{ sN}$ гача ортади (4-расм). Бундан вақтнинг бошланғич моментларида пиллани сувли муҳитдан кўтарилиши зарбали характерга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Пилланинг бошланғич чўкиш чуқурлигининг ортиши пиллани сувли муҳитдан итарувчи куч қийматини ошишига, ҳамда пиллани муҳитнинг юзасига кўтарилиш вақтини камайишига таранглик қийматини камайишига олиб келади. Бу ҳол ўз навбатида узуклар сонини камайиши, сифатли хом ипак ишлаб чиқариш имконини беради.



1-расм. Пиллалар қобиғининг ўртача қуввати, mg/mm^2

Ингичка толали пиллалар қобиғининг технологик хусусиятлари тадқиқ этилди ва олинган натижаларни солиштириш учун назорат сифатида маҳаллий шароитда етиштирилган Хитой дурагайи пиллалари олинди.

Пиллалар қобиғининг ўртача қуввати кўрсаткичлари тадқиқ этилди. Олинган натижалар 1-расмда келтирилган.

1-расм таҳлиliga мувофиқ ингичка толали “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагайлари пиллалари қобикларини қуввати маҳаллий шароитда етиштирилган Хитой дурагайи пиллалари қобиғи қувватидан 27% га юқори эканлиги аниқланди. Пиллаларни ушбу хусусияти уларни чувишга тайёрлаш, хусусан пиширишда аҳамияти каттадир. Ортиқча пиширилган пиллаларни чувиб улардан хом ипак олиш вақтида иплар пакетлари билан чиқиши шиш ва йўғонлашган жойлар каби нуқсонларнинг ҳосил бўлиши эҳтимолини кўплиги аниқланди.

1-жадвал

Пиллалар қобиғининг қаттиқлиги

Ипак курти дурагайи	Пилла қобиғининг деформацияси, mm
“Майин тола-1”	0,81±0,05
“Майин тола-2”	0,80±0,05
Хитой	1,05±0,05

Ингичка толали “Майин тола-1” дурагайи пиллалари қобиклари қаттиқлиги кўрсаткичи 0,81 mm ни, “Майин тола-2” дурагайи пиллалари қобиклари қаттиқлиги кўрсаткичи 0,80 mm ни ҳамда маҳаллий шароитда етиштирилган Хитой дурагайи пиллалари қобикларининг деформацияси 30% га юқори бўлди, натижалар 1-жадвалда келтирилган.

Пиллалар қобиғи қалинлигини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Пиллалар қобиғи қалинлигини таҳлили

Дурагайлар	Пилла қобиғининг ўртача қалинлиги, mm		
	қобикни ўртача қалинлиги, mm	ўртача квадратик оғиши, mm	квадратик нотекислиги, %
“Майин тола-1”	0,84±0,025	0,126	17,97
“Майин тола-2”	0,83±0,025	0,128	20,52
Хитой	0,85±0,030	0,150	22,15

2-жадвалдан кўриш мумкинки, ингичка толали “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагайи пилла қобикларининг маҳаллий шароитда етиштирилган Хитой дурагайи пилла қобиғига нисбатан ўртача квадратик оғиши 19% га ни, квадратик нотекислиги эса 16,6% га кам бўлди.

“Майин тола-1” ва “Майин тола-2” ҳамда назоратдаги Хитой дурагайи пиллаларини технологик хусусиятларини тадқиқ қилиш мақсадида якка чувиш жараёни амалга оширилди. Олинган натижалар 3-жадвалда келтирилди.

3-жадвалда ингичка толали “Майин тола-1”, “Майин тола-2” ва маҳаллий шароитда етиштирилган Хитой дурагайи пиллаларини якка чувишда олинган натижалар солиштирма тарзида келтирилган. Жадвалдан кўриш мумкинки, ингичка толали “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагайлари ипининг умумий узунлиги назоратга нисбатан 12%, узлуксиз чувалиш узунлиги 24% га юқори, чизиқли зичлиги эса 26% ингичка бўлиши исботланди. Бу кўрсаткич хом ипакни сифати юқори бўлишини таъминлайди.

3-жадвал

“Майин тола-1” ва “Майин тола-2” ва Хитой дурагайи қурук пиллаларини якка чувишдан олинган натижалари

№	Кўрсаткичлар	Хитой дурагайи	“Майин тола-1”	“Майин тола-2”
1.	Пилладан хом ипак чиқиши, %	44,68±0,2	45,25±0,29	45,28±0,27
2.	Пилла лоси, %	3,15±0,20	3,1±0,20	3,17±0,21
3.	Қазноқ пўсти (пленка), %	3,17±0,33	2,9±0,37	2,75±0,31
4.	Ғумбак, %	47,17±0,57	47,15±0,51	47,10±0,51
5.	Ипакдорлиги, %	51,0±0,21	51,25±0,21	51,20±0,21
6.	Чувилувчанлиги, %	87,60±0,56	88,29±0,31	88,43±0,31
7.	Пилла ипини умумий узунлиги, m	1150±20	1300±20	1299±20
8.	Узлуксиз чувалиш узунлиги, m	780±5	1015 ±5	1020±5
9.	Пилла ипини чизиқли зичлиги, tex	0,350±0,004	0,260±0,004	0,255±0,003

Диссертациянинг **“Замонавий пилла чувиш автоматлари учун ингичка толали пиллалардан сифатли хом ипак олиш режимларини асослаш”** деб номланган учинчи боби корхоналарда ўрнатилган пиллаларни ичига сув тўлдириш, учларини топиш ва автоматик пилла чувиш дастгоҳлари учун рационал технологик режимларни ўрнатиш ҳамда аниқланган кўрсаткичларни назарий жиҳатдан асослашга бағишланган. Пиллаларни чувишга тайёрлаш ва чувиш режимларини ўрнатишда пилла қобиғидаги серициннинг эриш даражаси, қобиқ хусусиятлари, жумладан унинг қалинлиги ва ғовақдорлиги, пилла ипи чизиқли зичлиги, ипнинг чизиқли зичлигининг узунлиги бўйича ўзгариши, ипнинг узлуксиз чувалиш узунлиги, қобиқ тозалиги ва донадорлиги каби кўрсаткичлари муҳим ҳисобланади. Корхона шароитида ўрнатилган режимлар асосида пиллаларни чувишга тайёрлаш ва чувиш бўйича олинган натижалар назорат варианты, назарий ва амалий тадқиқотлар асосида ўрнатилган режимлар асосида олинган натижалар тажриба варианты деб қабул қилинди.

Тажриба вариантыда **“XORAZM IPAGI”** МЧЖда ишлаб чиқариш шароитида ингичка толали “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагайлари пиллаларини қобиқ хусусиятларини, жумладан уларнинг қобиқларини қуввати ва зичлиги юқорилиги, ғовақдорлиги, ҳаво ва сув ўтказувчанлиги паст эканлигини эътиборга олган ҳолда пиллалар ичларини сув билан тўлдириш

бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Тажрибалар корхонада ўрнатилган замонавий ZD–800 пилла ичига сув тўлдириш дастгоҳида 2 минут давомида - 0,1 МПа вакуум остида, сувнинг ҳарорати 25°C, 30°C, 35°C, 40°C гача бўлган ораликларда ўзгартирилган ҳолда 6 мартадан такрорлаб ўтказилди. Дастгоҳда сув ҳарорати 40°C бўлганда, камера ичидаги вакуум босими -0,1 МПа остида 2 минут давомида ишлов берилганда пиллаларнинг ичига 100% сув билан тўлдиришга эришилди. Пиллаларни сув билан тўлганлик даражаси уларни сувга солиб кўриш йўли билан аниқланди.

ZD–800 пиллалар ичига сув тўлдириш дастгоҳида назорат ва тажриба вариантларида олинган натижалар 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

ZD–800 вакуум остида пиллаларни сув билан тўлдириш дастгоҳида назорат ва тажриба вариантларида олинган натижалари

Назорат		Тажриба	
Сув ҳарорати (°C)	Пиллаларни сув билан тўлганлик даражаси (%)	Сув ҳарорати (°C)	Пиллаларни сув билан тўлганлик даражаси (%)
25	70	40	100

Хом ипак чувиб олишнинг оптимал режимлари корхонага келтирилган ҳар бир партия пиллалари учун алоҳида ишлаб чиқилади.

Пилла ипини ундан тортиб олиш кучи 8-10 sN га тенг бўлди, ипни қобикқа елимланган кучидан 5-6 баробар катта бўлади. Пиллаларни чувиш жараёнида серицинни юмшатиш ва адгезия кучини камайтириш муҳим аҳамиятга эга. Адгезия кучи ипни қобикдан тортиб олиш учун уни қобикдан чиқиш нуқтасида мавжуд бўлиб, ипни қобикда елимланиш даражасига тенг ва тескари томонга йўналган бўлади. Серициннинг юмшатилиши пилла қобиғининг ҳамма қаватларида бир хил эмас. Серицинни юмшатилишини пилланинг барча қаватларида бир хиллигини таъминлаш учун “XORAZM IPAGI” МЧЖда ўрнатилган ZD-427 буғлаш дастгоҳида пиллаларга буғ ва сув билан ишлов берилди. ZD-427 буғлаш дастгоҳи учун ингичка толали “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагайлари пиллаларини пиширишда назорат ва тажриба вариантлари параметрлари 5-жадвалда келтирилган.


Назорат вариантыда ZD-800 сув билан тўлдириш дастгоҳида ичлари сув билан тўлдирилган пиллалар ZD-427 буғлаш дастгоҳида пиллалар қобиғидаги серицинни юмшатиш ва адгезия кучини камайтириш мақсадида буғлаш дастгоҳида корхона шароитида ўрнатилган режимлар асосида ишлов берилди. Пиширилган пиллаларни сифат кўрсаткичлари уларни ҳолати, сувда чўкканлик даражаси, қўлда учларини чиқиши, учлари топилган пиллалардан 25 таси олиниб битта дастада битта тахлашда чувилганда пиллаларни чувилиб бўлиши кўрсаткичлари критерийлари билан аниқланди. Пиллаларни чўкканлик даражаси уларни сувга солиб кўриш билан аниқланди ва чўкканлик даражаси 100 фоизни ташкил қилди. Пиллаларни рангини ўзгариши бир хилда эканлиги органолептик усулда аниқланди.

ZD-427 буғлаш дастгоҳи учун ингичка толали “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагайлари пиллаларини пиширишда назорат ва тажриба вариантлари параметрлари

Кўрсаткичлар	назорат	тажриба
Серицинни юмшатиш		
Пилла пишириш машинаси параметрлари		
1. Пиллаларни машинада ишлов бериш вақти, min	20	15
2. Пиллаларни намлаш (°C) 1-бўлим	55-65	-
2-бўлим	65-75	-
Вақти, min.	3,35	2,5
3. I буғлаш камераси (°C) 1-бўлим	80-98	70-80
2-бўлим	80-98	70-80
Вақти, min.	2,98	2,6
4. Шимдириш (°C)	60-80	-
Вақти, min.	2,41	1,8
5. II буғлаш камераси (°C) 1-бўлим	90-100	75-80
2-бўлим	90-100	75-80
Вақти, min.	2,26	1,69
6. Пиллаларни сув билан тўлдириш 5 та секцияда (°C) 1-бўлим	97-98	-
2-бўлим	85-90	-
3-бўлим	80-85	-
4-бўлим	70-75	-
5-бўлим	60-55	-
Вақти, min.	3,24	2,42
7. Совутиш (°C)	40-45	40-45
Вақти, min.	1,74	1,3

Пиллалар қобиғидаги серицинни юмшатиш ва адгезия кучини камайтириш назорат вариантыда корхона шароитида ZD-427 буғлаш дастгоҳида 20 минут бўлиб, ингичка толали “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагайлари дурагайи пиллалари учун ушбу ZD-427 буғлаш дастгоҳида фақат буғлаш секцияларида пиллаларга 70-80 ва 75-80°C ҳароратда 15 минут давомида ишлов берилиб сифатли пиширилган пилла олиш мумкинлиги тажрибалар давомида аниқланиб тавсия этилди.

Тажриба вариантыда пишириб учлари топилган ингичка толали “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагайлари пиллалари FY - 2000EX пилла чувиш автоматада чувилди. “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагайи пиллалари учун ҳисобланган оптимал чувиш тезлиги 140 m/min ни ташкил этди. “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагайи пиллаларини чувишда хом ипак чиқиши мос равишда 37,3 % ва 36,9 % ни ташкил қилди.



5-расм. Назорат ва янги такомиллаштирилган тажриба вариантларидаги чувиш технологик жараёнлари кетма-кетлиги

Тажрибалар давомида намуналардаги пиллаларни ўрнатилган режимлар асосида чувишда “Майин тола-1” дурагайи пиллаларида торли лос чиқиши 4,6% ни, қазноқ чиқиши 4,1% ни, ғумбак чиқиши 28% ни, “Майин тола-2” дурагайи пиллаларида торли лос чиқиши 4,7% ни, қазноқ чиқиши 4,3% ни, ғумбак чиқиши 28% ни ташкил қилди.

Назорат ва янги такомиллаштирилган тажриба вариантларидаги чувиш технологик жараёнлари кетма-кетлиги 5-расмда келтирилган.

Назарий ва амалий тадқиқотлар асосида пиллаларни сув билан тўлдириш, серицинни юмшатиш, пилла учларини топиш ва силкитиш ҳамда чувиш жараёнлари такомиллаштирилди.

О‘zDSt 3313:2018 давлат стандарти талабларига мувофиқ, ингичка толали “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагайлари пиллаларидан назорат ва тажриба вариантларида чувиб олинган хом ипак сифат кўрсаткичлари аниқланди, ишлаб чиқарилган хом ипак сифат кўрсаткичлари б-жадвалда келтирилган.

б-жадвал

Назорат ва тажриба вариантларида ишлаб чиқарилган хом ипак сифат кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	О‘zDSt 3313:2018		назорат				тажриба			
			“Майин тола-1”		“Майин тола-2”		“Майин тола-1”		“Майин тола-2”	
	“3А”	“А”	“А”	“А”	“3А”	“3А”				
Чизиқли зичлик, tex	2,33	3,23	2,33	3,23	2,33	3,23	2,33	3,23	2,33	3,23
Чизиқли зичлик бўйича оғиш (tex)	0,15	0,18	0,19	0,20	0,20	0,21	0,14	0,18	0,15	0,18
Нотекислик 1	170	170	200	195	205	200	160	165	165	170
Нотекислик 2	17	17	28	30	30	32	15	16	16	17
Йирик нуксонлардан тозалиги % ҳисобида камида	95	95	90	89	90	88	96	95	95	95
Майда нуксонлардан тозалиги % ҳисобида камида	92	92	88	88	89	88	93	92	92	92
Қайта ўралиш қобиляти, узилишлар сони	10	10	15	17	16	17	6	7	6	6
Нисбий узувчи куч, sN/ tex	30	30	28	29	27	28	31	32	30	31
Нисбий узилиш-даги чўзилиш (%)	18	18	16,0	17,0	16,0	17,0	18,5	18,7	18,6	18,7
Жипслиги, кареткани юриш сони	60	60	60	60	60	60	60	60	60	60

б-жадвалдан кўриш мумкинки, назорат вариантыда “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагайлари пиллаларидан олинган хом ипак сифат кўрсаткичлари О‘zDSt 3313:2018 давлат стандартида берилган талаблари бўйича тажриба вариантыда олинган хом ипак сифат кўрсаткичларидан паст бўлмоқда. Тажриба вариантыда олинган хом ипак сифат кўрсаткичлари О‘zDSt 3313:2018 давлат стандарти талаблари бўйича “3А” синф талабларига тўла мос келмоқда.

Диссертациянинг **“Ингичка толали пиллаларни қайта ишлаш учун такомиллаштирилган технологияни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишдан олинадиган йиллик иқтисодий самарадорлик ҳисоб-китоби”** деб номланган тўртинчи бобида ингичка толали “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагайлари пиллаларини қайта ишлаш учун такомиллаштирилган технологияни жорий қилишдан олинадиган иқтисодий самарадорлик тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Таклиф этилаётган технология асосида ингичка толали “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагайи пиллаларни қайта ишлаш учун такомиллаштирилган технологияни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш орқали йиллик 9675471,45 минг сўм иқтисодий самарадорликка эришилди (2021 йил нархларида).

ХУЛОСА

“Тут ипак қуртининг ингичка толали пиллаларини чувиш технологиясини такомиллаштириш” мавзусида олиб борилган тадқиқот иши бўйича қуйидаги хулосаларга эришилган:

1. Тут ипак қуртининг ингичка толали “Майин тола-1”, “Майин тола-2” дурагайлари пиллалари қобиғининг технологик хусусиятларини ўрганиш натижасида “3А” синфига мансуб юқори сифатли хом ипак ишлаб чиқариш учун пилла ипи хусусиятларини назарий ва амалий тадқиқ этилган.

2. Илгич остидаги пиллаларнинг сувли муҳитда айлана маркази бўйлаб зич тартибда жойлашган пиллалар тизими ҳаракати, пилла ипини ажралишидаги таъсир кучларини ҳисобга олган ҳолда чувиш жараёни назарий томондан тадқиқ қилинди ва математик модели қурилди, амалиётда исботланган.

3. Ингичка толали “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагайлари пилла ипининг умумий узунлиги бўйича ингичкаланиши таҳлил қилинди ҳамда ингичка толали пилла ипларининг маҳаллий шароитда етиштирилган Хитой дурагайи пилла ипига нисбатан умумий узунлиги 12%, узлуксиз чувалиш узунлиги 24% га юқорилиги аниқланган.

4. Корхоналарда ўрнатилган ZD-427, ZD-800 дастгоҳларда ингичка толали “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагайлари пилларини чувишга тайёрлаш, ичига сув тўлдиришнинг рационал режимлари синаб кўрилган ва такомиллаштирилган чувиш технологияси жорий қилинган.

5. Олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар таҳлили асосида ингичка толали “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагайи пиллаларини учларини топиш, силкитиш ва FY-2000EX дастгоҳида юқори сифатли “3А” синфига мос хом ипак олишнинг мақбул чувиш тезлиги назарий ва амалий асосланган ҳолда амалиётга тавсия этилган.

6. Янги режимлар асосида ингичка толали “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагайи пиллаларидан ишлаб чиқарилган хом ипакнинг сифат кўрсаткичлари O’zDSt 3313:2018 стандарти талаблари асосида баҳоланди ва сифатли “3А” талабига мос хом ипак ишлаб чиқарилганлиги исботланган.

7. Ингичка толали “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагайи пиллаларини қайта ишлаш учун такомиллаштирилган технологияни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш орқали 67,1 тонна хом ипак ишлаб чиқаришда олинадиган иқтисодий самарадорлик 9675471,45 минг сўмни ташкил этади (нархлар 2021 йил учун ҳисобланган).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

СОБИРОВ КУЗИБОЙ ЭРКИНОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ РАЗМОТКИ
ТОНКОВОЛОКНИСТЫХ КОКОНОВ ТУТОВОГО ШЕЛКОПРЯДА**

**05.06.02 – Технология текстильных материалов и первичная
обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.3.PhD/Т1845.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (www.titli.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Ахмедов Жахонгир Адхамович доктор технических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Мукимов Мирабзал Мираюбович доктор технических наук, профессор Рахимов Алишер Юсупжонович доктор технических наук, доцент
Ведущая организация:	Узбекский научно исследовательский институт натуральных волокон

Защита диссертации состоится “11” апреля 2022 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc 03/30.12.2019.Т.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности по адресу: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5. Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 222-я аудитория, тел.: (+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08, факс: (+99871) 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована за №133). Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5, тел.: (+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан “28” марта 2022 года.
(реестр Протокола рассылки №133 от “28” марта 2022 года).



И.К.Сабилов

Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н.



А.З.Маматов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Н.Р.Ханхаджаева

Председатель Научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Производством коконов-сырца занимаются более 22 стран мира, а наша республика является одним из лидеров по производству коконов и шелка.¹ В 2020 году во всем мире произведено 91,945 тонн шелка-сырца, большая доля этого объема приходится на Индию и Китай. При размотке коконов тутового шелкопряда можно получить качественный шелк-сырец, учитывая признаки их оболочки и правильным установлением режимов подготовки коконов к размотке, в том числе размягчение серицина, наполнение коконов водой, подыскивание концов нитей и растряска. Совершенствование процессов размотки коконов и получения качественного шелка-сырца является одной из важных задач. В коконовыращивающих странах мира уделяется большое внимание совершенствованию техники и технологий получения качественного шелка-сырца различных линейных плотностей, их глубокой переработке и производства готовой продукции с высокой добавленной стоимостью. В связи с этим актуально использование энергосберегающего оборудования и устройств для производства высококачественного шелка-сырца.

По всему миру в странах, выращивающих коконы ведутся исследования по созданию новых пород и гибридов тутового шелкопряда с высокими технологическими свойствами, модернизации коконоперерабатывающей промышленности с использованием прогрессивных техники и технологий по повышению конкурентоспособности шелковых изделий. В связи с этим при размотке коконов тутового шелкопряда особое внимание уделяется подготовке коконов к размотке с учетом свойств их оболочки, в том числе размягчению серицина, наполнению коконов водой, нахождению концов нитей и растряске, правильному установлению технологических режимов для производства качественного шелка-сырца.

В республике проводятся масштабные мероприятия по разработке ресурсосберегающих техники и технологий, которые позволяют получить высококачественный шелк-сырец за счет совершенствования процессов подготовки к размотке и размотки коконов тутового шелкопряда. В Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы поставлены важные задачи, в том числе "...увеличить объем производства продукции промышленного назначения к 2026 году за счет восполнения имеющихся пробелов в производстве готовых шелковых тканей и изделий из шелковых тканей, а также импортозамещающей продукции...".² В реализации этих задач, необходима, в частности, разработка режимов переработки тонковолокнистых коконов тутового шелкопряда, создание и внедрение в производство технологий получения высококачественного шелка-сырца.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики

¹ <https://inserco.org/en/statistics>

² Указ Президента Республики Узбекистан №УП-60 от 28 января 2022 года "О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы"

Узбекистан от 28 января 2020 года № УП-60 “О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы” и Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-4411 от 31 июля 2019 г. “О дополнительных мерах по развитию глубокой переработки в шелковой отрасли”, Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-4567 от 17 января 2020 г. “О дополнительных мерах по развитию кормовой базы тутового шелкопряда в шелководческой отрасли”, а также изложенных в других нормативных актах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная исследовательская работа выполнена в соответствии развития науки и технологий Республики Узбекистан П. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. С проблемами по совершенствованию технологии размотки коконов и получения высококачественного шелка-сырца за рубежом занимались K.D.Rajat, N.Manesh, Y.Zhiyong, L.Min, N.Hazarika, M.Arumugam, C.Minano, S.Gunze, J.Mo, S.Pan, H.Narada и другие.

